

Ислом даъватининг ғояси

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]

Шайх Сафар ал-Ҳавалий

Таржимон: *Ислом Нури*

Нашрга тайёрловчи: *Абу Абдуллоҳ Шоший*

2013 - 1434

IslamHouse.com

غاية الدعوة

« باللغة الأوزبكية »

الشيخ سفر الحوالي

مترجم: Islamnuri

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

2013 - 1434

IslamHouse.com

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Барча ҳамду санолар Оллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Оллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Оллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқлигига ва пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчиси эканларига гувоҳлик бераман, у зотга, аҳли ва асҳобига ҳамда то қиёмат уларга яхшилик билан эргашган кишиларга Оллоҳнинг саловоту саломлари бўлсин.

Аммо баъд...

Оллоҳга даъват қилиш ҳамда уни тўғри йўналишда олиб бориш жуда муҳим ишлардан ва бирламчи заруратлардандир. Чунки, мусулмонлар бугунга келиб, ғафлат уйқулари- дан уйғониб, ўзларини Оллоҳнинг динидан бегоналашиб, илк муборак асрлар аҳли йўлларида анча узоқлашиб кетишганини, кофирлар уларга ҳукмрон бўлиб, ҳамма томондан улар устига ёпирилиб келишганини, уларни

мағлуб қилиб, ҳар тарафлама уларга ўз таъсирларини ўтказишганини кўрмоқдалар. Бу кўргуликлардан қутулишнинг асосий йўли сифатида, умматнинг жон томири, тириклиги- нинг асоси бўлмиш Оллоҳ йўлидаги даъватни қайта тирилтириш экани ҳақиқати ўртага чиқиб келмоқда.

Бирок, Оллоҳга даъват қай йўсинда олиб боришмоғи лозим? Даъватнинг Оллоҳ ёқтирадиган ва рози бўладиган йўли, Оллоҳ ҳузурида мақбул бўладиган ва Оллоҳ барака ато этадиган услуби, ушбу умматга дунё халқлари ичидаги ўз муносиб ўрнини ва ер юзига халифалик мақомини қайтариб берадиган шакли-шамоили қандай бўлмоғи лозим?

Бугун мусулмонлар орасига улардан аввалги умматлар ўртасида тарқалган бир қанча ёмон иллатлар қулоч ёйган. Ушбу иллатлардан бири шуки, улар Оллоҳга ибодатнинг тўғри манҳажидан узоқлашиб кетишган ва бунинг ортидан, табиийки, Оллоҳга даъват қилишда ҳам тўғри манҳаждан четлашиб қолишди. Албатта, бу билан бутун уммат ёппасига тўғри йўлдан четланиб кетган, дейишдан узоқмиз, чунки, Оллоҳ Ўз йўлига ҳақиқий суратда даъват қилишга муваффақ қилиб қўйган кишилар ҳамма замонларда бўлиб келган. Зотан, Оллоҳ таборака ва таоло Ўз Пайғамбари Муҳаммад

соллаллоҳу алайҳи ва салламга амр этганидек: **«Айтинг: Менинг йўлим шудир. Мен Оллоҳга даъват қиламан. Мен ва менга эргашган кишилар аниқ ҳужжатга ва ишончга эгамиз. (Ҳар қандай шерикдан) Оллоҳни поклайман. (Зеро) мен мушриклардан эмасман».** (Юсуф: 108).

Ушбу улуғ ва пурмаъно ояти каримада, уни тафаккур ва тадаббур қилган киши учун, Оллоҳ таборака ва таолога тўғри даъват қилиш манҳажи белгилаб берилган.

Тавҳидга даъват

Даъват масалалари, балки, умуман иймон масалалари ичидаги энг биринчи ва асосий масала, шубҳасиз, Оллоҳ таборака ва таоло ушбу оятда зикр қилган масаладир: **«Мен Оллоҳга даъват қиламан».** (Юсуф: 108).

Бу сўзлар шунчаки бир ўткинчи сўзлар эмас. Гап орасида шунчаки айтиб ўтиладиган оддий ва аҳамиятсиз бир ибора ҳам эмас. Балки, бу гапнинг ўзагини ва жумланинг асосини ташкил қилувчи иборадир, ушбу буюк ишнинг бошланғич нуқтасидир. Яъни, даъват ёлғиз Оллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг Ўзига бўлмоғи зарур. Оллоҳга ҳақиқий даъват қилувчи киши билан Оллоҳга даъват қилиш

даъвосини қилгани ҳолда, аслида, Ундан ўзгасига даъват қилувчи киши орасидаги энг асосий фарқли жойи шундадир.

Оллоҳга даъват қилиш – Оллоҳнинг тавҳидига даъват қилиш демакдир. Оллоҳ Ўз пайғамбарларини шу даъват билан юборган:

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **Биз сиздан илгари юборган ҳар бир пайғамбарга ҳам: «Ҳеч қандай барҳақ илоҳ йўқ, магар Менгина ҳақдирман, бас Менгагина ибодат қилинглар», деб ваҳий юборгандирмиз».** (Анбиё: 25).

Оллоҳ таолонинг Китобини ўқисак, ўтган пайғамбарларнинг ҳар бири ўз қавмига: «**Эй қавмим, Оллоҳга ибодат қилинглар! Сизлар учун Ундан ўзга бирон Илоҳ йўқдир**», (Аъроф: 59) деганларини топамиз. Бу мудом такрорланиб келувчи энг асосий масала бўлиб, бошқа ҳамма масалалар унинг ортидан келади. Оллоҳ таоло айтади: «**Аниқки, Биз ҳар бир умматга: «Оллоҳга ибодат қилинглар ва тоғут-шайтондан йироқ бўлинглар»,** (деган ваҳий билан) **бир пайғамбар юборганмиз».** (Наҳл: 36).

Демак, энг асосий масала шу экан.

Демак, биз энг биринчи навбатда даъват қилишимиз ва Оллоҳга у билан ибодат қилишимиз

лозим бўлган нарса Оллоҳ азза ва жалланинг тавҳиди бўлмоғи зарур экан.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳуни Яманга юбораётганларида нима деб насиҳат қилганларини эсланг: *«Сиз аҳли китоблардан бўлган бир қавмга бормоқдасиз. Етиб боргач, уларни энг аввал «Ла илаҳа иллаллоҳ» деб гувоҳлик беришга чақиринг...»*. Бир ривоятда: «Оллоҳнинг ибодатига», яна бир ривоятда: «Оллоҳни ягона маъбуд деб билишга» дейилган, ҳаммаси саҳиҳ ривоятлар бўлиб, маъноси саҳиҳ ва тўғридир. Яъни, Оллоҳнинг Ўзига ибодат қилиш «Ла илаҳа иллаллоҳ» деб гувоҳлик беришдир, бу эса Оллоҳни ягона ҳақ илоҳ, деб билишнинг айна ўзидир.

Тавҳиднинг моҳияти

Даъват соҳиби даставвал Оллоҳнинг тавҳидига чорламоғи лозим, деб айтдик. Ўтироз бўлиши мумкинки, тавҳид ҳозирда ўзи бор ва мавжуд нарса-ку, яна нега тавҳидга чорлаш керак?! Бундай сўзни айтувчи киши Оллоҳнинг тавҳидини ҳақиқий маънода англамаган, уни фақат «Ла илаҳа иллаллоҳ» деб гувоҳлик беришдангина иборат, деб билган бўлиб чиқади. Чунки, агар Оллоҳ таоло пайғамбарлар

юбораркан, уларга одамларни «Ла илаҳа иллаллоҳ»га, унинг моҳияти, маъноси ва шартларига аҳамият қилмаган, уни вайрон қилувчи нарсалардан сақланмаган ҳолда фақат тил билангина гувоҳлик бериб қўйишга чақириш вазифасини юклаган бўлганида ва пайғамбарлар шунга чақирганларида, у ҳолда ҳамма одамлар ҳеч иккиланмай «Ла илаҳа иллаллоҳ» деб айтган бўлардилар, ушбу калимага муҳолиф бўлганлар билан уни айтувчилар ўртасида бу қадар узоқ ва давомли урушлар келиб чиқмаган бўларди, Оллоҳнинг Китобида айтилганидек, бу калимага муҳолиф бўлувчиларга ҳалокат ва вайронагарчилик, унга эътиқод қилган ва пайғамбарларга эргашган кишиларга эса, ғалаба ва нажот ваъда қилинмаган бўларди.

Бу жуда катта масаладир. Агар иш фақат тил билан айтиб қўйиш билангина битганида, бу қадар улкан ҳаракатлар қилинмаган, шунчалар кўп ва узоқ жангу-жадаллар олиб борилмаган, бунчалар кўп қурбонлар берилмаган бўларди. Зотан, шунча кўп ҳаракатлар фақат Оллоҳнинг тавҳидини рўёбга чиқариш, ибодат Унинг ёлғиз Ўзига бўлиши ва Ундан ўзга ҳақ маъбуд йўқлигига ҳақиқий гувоҳлик бериш учун амалга оширилди. Яъни, бошқача айтганда, буларнинг барчасидан асосий ғоя-мақсад Оллоҳ

субҳанаҳу ва таолонинг Ўзига итоат қилиш, У белгилаб берган ҳад-худудлар ичида қолиш, Унинг амрларига бўйсуниш, қайтариқларидан тийилиш, банда ўзи қиладиган барча амаллари билан фақат Унинг розилигини топишга уриниши, жумладан, ростгўйлик, тавба, умид, кўрқув, паноҳ сўраш ва мадад тилаш каби қалбга тааллуқли амалларини ҳам фақат Унинг ўзига йўналтириши, Унинг ҳақ Пайғамбаридан ўзгасига эргашмаслик, Унинг шариатидан ўзгаси билан ҳукм қилмаслик, бидъат ва хурофотларга берилмаслик, ота-боболардан қолган одат-у тақлидларга ёпишиб олмаслик, фақат Оллоҳ таборака ва таоло нозил қилган ва Оллоҳ субҳанаҳу ва таоло шариат қилиб берган ҳукмлар асосида ҳаёт кечириш эди.

Улар Оллоҳга ибодат ўлароқ қиладиган ҳар бир ишлари ҳақида: бу тўғрида Оллоҳ таоло нима деган, бу ҳақда қандай оят ёки ҳадис келган, деб сўрашарди.

Ишнинг боши ҳам, охири ҳам тавҳидир

Оллоҳга ва Оллоҳнинг ибодатига даъват қилишдаги энг биринчи иш – Оллоҳ таборака ва таолонинг тавҳиди бўлмоғи зарур. Эй мусулмон биродар, ишнинг боши ҳам, охири ҳам шаҳодат эканини унутманг. Масалан, ўлим тўшагида ётган

кишига жон таслим қилиш онларида шаҳодат калимасини талқин қиламиз. Бундан мурод шу калималарнинг лафзими, холос?! Йўқ, ундай эмас. Мақсад – шу инсон Оллоҳ таборака ва таолонинг тавҳидини билган ва шунга эътиқод қилган ҳолда дунёдан ўтишидир. Бандани Исломга киритадиган илк калима ҳам шаҳодат, яъни, «ла илаҳа иллаллоҳ» деб гувоҳлик бериши бўлганидек, унинг ҳаётдаги охиригى сўзи ҳам айна шу шаҳодат калимаси бўлади.

Демак, ҳаётдаги энг муҳим нарса тавҳиддир, ишнинг боши ҳам, охири ҳам тавҳиддир.

Тавҳид туфайли жиҳод олиб бориш

Биз мусулмон миллати ўлароқ, нима учун жиҳодга кирамиз? Тавҳидни рўёбга чиқариш учун жиҳод қиламиз: **«То (дунёда) бирон фитна (ширк) қолмай, бутун дин фақат Оллоҳ учун бўлгунга қадар улар билан жанг қилинглар!»**. (Анфол: 39). Демак, жиҳоддан мақсад фитнага барҳам бериш экан.

Фитна нима? Саҳиҳ ҳадисда зикр қилинганидек: *«Фитна – ширкдир»*. Бинобарин, кофирларга қарши жиҳодга киришдан мақсад – ширкка барҳам бериш, бутун дин фақат Оллоҳ учун бўлиши, яъни, фақат Оллоҳга ибодат қилиниши, Унинг шариатига эргашилиши, ёлғиз Унинг амрларига итоат қилиниши

ёки У итоатига буюрган кишиларга – одамларга Оллоҳнинг шариатини таълим берадиган ва ўша билан ҳукм қиладиган пайғамбарлар, амирлар ва олимларга итоат қилинишидир.

Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Парвардигорлари томонидан **«Менинг йўлим шудир. Мен Оллоҳга даъват қиламан. Мен ва менга эргашган кишилар аниқ ҳужжатга ва ишончга эгамиз»**, (Юсуф: 108) деб айтишга буюрилганларида ўзларининг ҳолатларини сифатлаб ва мазкур амри илоҳийнинг таржимаси ўлароқ: *«Қиёмат олдидан қилич билан юборилдим»*, деб айтганлар. (Имом Аҳмад Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган). Зотан, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам қилич ва жиҳод билан юборилганлар, бизнинг динимиз жиҳодга қурилган, у жиҳоднинг барча турлари ва барча даражалари орқали рўёбга чиқади. Мўмин киши ўз нафси ва ҳавосига қарши, ўзининг шайтони ва душманларига қарши давомий жиҳоддадир. Ҳадисдаги «қилич» лафзи жиҳоднинг дин усиз барпо бўлмайдиган энг олий даражасига ишора учун келган. Бироқ, жиҳод, қилич, амримаъруф ва наҳиймункар, Оллоҳ йўлига даъват, буларнинг ҳаммаси нима учун? Жавобини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан

эшитинг: *«Шериксиз ёлғиз Оллоҳнинг Ўзига ибодат қилиниши учун қиёмат олдидан қилич билан юборилдим»*. Ягона мақсад шу, яъни, шериксиз ягона Оллоҳнинг Ўзига ибодат қилиниши. Ҳадис давомида айтдилар: *«Ризқим найзам сояси остида қилинди»*. Барча пайғамбарларнинг ўз тирикчилик йўллари ва касб-хунарлари бўлган, баъзи пайғамбарлар дурадгор, баъзилари темирчи бўлганлар, кўплари қўй боқишган.

Оллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўз фазли ва етук ҳикмати билан пайғамбарларни инсонлар ичидан юборди. **«Айтинг: Агар Ерда (одамлар эмас, балки) фаришталар маскан тутиб юрганларида эди, албатта Биз, (яъни, Оллоҳ) уларга осмондан фаришта пайғамбарни туширган бўлур эдик»**. (Исро: 95). Биз башар авлодимиз, шу боис Оллоҳ таоло бизга башар авлодидан бўлган, худди ўзимиз каби еб-ичадиган, бозорларда юрадиган, меҳнат қилиб чарчайдиган, ухлаб роҳатланадиган кишини пайғамбар қилиб юборди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тирикчилик ва даромадлари меҳнат ва ҳаракат ортидан бўлди. У зотнинг ризқлари энг улуғ ва энг шарафли касб ортидан келарди: *«Ризқим найзам сояси остида қилинди»*. Агар ислом уммати Оллоҳга ҳақиқий кўринишда иймон келтирганда эди, унинг ризқи албатта найзаси

соясида қилинган бўларди. Форс ва Рум икки минг йиллик маданиятга эга эди, анҳорлар оқизишган, дарахтзор боғлар барпо қилишган, қасрлар бино қилишган, Европадан Миср ва Араб жазирасига қадар узанган йўллар барпо қилишган эди. Хўш, кейин нима бўлди?! Кейин буларнинг ҳаммаси мусулмонларга ғанимат ва ўлжага айланди. Чин дилдан Оллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг тавҳидига эътиқод қилган зотларга ғаниматга айланди. Улар жазирадан чиққан, аксарияти ялангоёқ, камбағал ва оч-яланғоч кишилар эди, Оллоҳ таборака ва таоло мазкур ҳазоратларнинг ҳаммасини улар оёғи остига ташлади, ўша қасрлару, боғу-роғлар улар тасарруфига ўтди.

Бизда ҳам ҳозирда барча маданият, илм-фан, тараққиёт, технология ғарб оламининг кўлида бўлиб турибди. Агар биз ҳам Оллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг тавҳидини ҳақиқий суратда амалга келтирсак, Оллоҳнинг йўлида ҳақиқий суратда юрсак, Оллоҳга ҳақиқий суратда даъват қилсак, бутун ғам-ташвишимиз шундангина иборат бўлса, тинмай шу ҳақда бош қотирсак, Оллоҳ таоло айтганидек бўлса: **«Айтинг: Менинг йўлим шудир. Мен Оллоҳга даъват қиламан»**, (Юсуф: 108), яъни, менинг ишим шудир, менинг бор ташвишим фақат шудир, менинг

юриш-туришим шудир, мен Оллоҳ субҳанаҳу ва таолога даъват қиламан. Қачон шу айтилгандек бўлсак, шунда ўзимизнинг фақир ва муҳтож ҳолимизга қарамасдан – биз эса фан-техника ва технология оламида қолақ бўлиб қолишни истамаймиз, фақр-муҳтожликда қолишни истамаймиз – шундагина улар устидан ғолиб бўламиз ва Оллоҳ таборака ва таоло ушбу маданиятларнинг ҳаммасини бизнинг қўлимизга олиб беради. Улардан баъзилари ўз маданиятлари билан биргаликда Исломни қабул қилади, бошқа баъзиларига қарши биз жиҳодга кирамиз ва Оллоҳ уларнинг мулклари ва ҳазоратларини бизнинг қўлимизга ғанимат қилиб беради. Нима эвазига?! Оллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг тавҳидини рўёбга чиқаришимиз эвазига! Агар биз тавҳидни ҳақиқий суратда рўёбга чиқарсак, уларга ўз уйларида ғолиб бўламиз, бугун бўлиб турганидек, улар бизга ўз уйимизда ғолиб бўлишга асло имкон топмайдилар.

Демак, ҳадис давомида айтилганидек: *«Ризқим найзам сояси остида қилинди ва менинг амримга хилоф қилган кишиларга хорлик ва заифлик битилди»*.

Бу эса бугунги мусулмонларнинг аҳволидир. Оллоҳга тоат ва Оллоҳ йўлига даъват азизлигини қўлда тутиб турганлари бундан мустасно, қолган

хаммаси – гарчи мол-дунёлари битмас-туганмас бўлса ҳам, юқори мансаб курсиларини эгаллаб турган бўлсалар ҳам – бугун хорликка гирифтор бўлди, куфр аҳлига нисбатан хорлик мақомига тушиб қолди. Нега шундай бўлди? Чунки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амрларига ҳилоф қилдилар. Биз Оллоҳ Ислом билан азиз қилган қавммиз. Қачон иззатни Исломдан бошқасидан истасак, Оллоҳ бизни хор қилади. Қачонки, динимизни маҳкам тутиб, дунё сабабларини ҳам ушласак, шунда Оллоҳ таоло бизга муваффақият ато этади ва ҳар қандай душман устидан ғолиб қилади. Аммо, қачонки динимизни тарк қилсак, иззат ва куч-қудратни ўзимиз сотиб олаётган асбоб-ускуналар ва четдан келтираётганимиз технологиялардан истасак, ҳеч қачон бунга эриша олмаймиз. Биз учун иззат фақат Оллоҳнинг динидадир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Ким бир қавмга ўхшашга уринса, у ўшалардандир»*, деганлар. (Аҳмад ва Абу Довуд Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилганлар).

Ким улуғ ва Оллоҳга яқин зотларга – пайғамбарлар, саҳобалар, даъват соҳиблари, мужоҳидлар ва солиҳ кишиларга ўхшашга уринса, у

ўшалардан бўлади. Ким кофир, мунофик, адашган, фожир кимсаларга ўхшашга уринса, у ўшалардан бўлади. Ушбу ҳадис зимнида умидбахш бир мужда бор гўё. Яъни, агар сизлар иззат истасангиз, ғолибликка талабгор бўлсангиз, у сизнинг даъватингиз, жиҳодингиз ва амалингиз билан амалга ошади. Ким ўзини қайси бир қавмга ўхшатса, у ўшалардан ҳисобланади. Шундай экан, эй мусулмонлар, сиз ягона Оллоҳга ибодат қилишга чорловчи ва шу йўлда мужоҳид бўлиш билан ўзингизни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга ўхшатинг, ризқингиз найзангиз сояси остида бўлсин, шунда дунё ва охиратда у зот эришган ва саҳобаларга насиб этган ғалаба ва муваффақиятларга эришасиз.

Демак, жиҳод ва амримаъруф биргина мақсадда – Оллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг тавҳидини рўёбга чиқариш йўлида бўлиши зарур экан.

«Фотиҳа» сурасида тавҳид мавзуси

Исломнинг асосий рукнларидан ва энг муҳим амалларидан бўлмиш намоз ҳам Оллоҳ таборака ва таолонинг тавҳиди учундир, балки намознинг ўзи бошдан охиригача фақат тавҳиддир: **«Албатта (барча) масжидлар Оллоҳникидир. Бас,**

(масжидларда) **Оллоҳ билан бирга яна бирон кимсага дуо-илтижо қилманглар!»**. (Жин: 18). Оллоҳнинг уйида – Парвардигор азза ва жалла ҳузурида «Оллоҳу акбар» деб, қўл қовуштириб турамиз. Бу эса Оллоҳнинг тавҳидини рўёбга чиқаришдир. Намозимизнинг ҳар бир ракаатида «Фотиҳа» сурасини ўқиймиз. Ушбу сура ҳам Оллоҳнинг тавҳиди ҳақидадир:

«Ҳамду сано бутун оламлар ҳожаси Оллоҳ учундир». Ушбу сўзлар билан Оллоҳнинг рубубият (бошқариш ва тарбия қилиш) тавҳидига иқрорлигимизни изҳор этамиз.

«Меҳрибон ва раҳмли...». Бу эса У Зотнинг исм ва сифатлари тавҳидидир.

«Ҳазо (Қиёмат) кунининг эгаси — подшоҳи...». Бу калималар ҳам исм ва сифатлар тавҳидидир, бироқ шу билан бирга, Оллоҳнинг тавҳиди усиз вужудга келмайдиган улуғ ва муҳим бир ишга ҳам тааллуқлидир. У ҳам бўлса, охират кунига ва Оллоҳ ҳузурида туришга бўлган иймондир.

«Сенгагина ибодат қиламиз». Ушбу оят «Ла илаҳа иллаллоҳ»нинг маъносидир. Зеро, ушбу тавҳид

калимасида ҳам ҳаср (чеклаш) маъноси бор. Яъни, Оллоҳдан ўзга барҳақ маъбуд йўқ, фақат Унинг ўзи барҳақ, деганидир. Ушбу оят ҳам аини шу услубда келган. Яъни, эй Роббимиз, биз Сендан бошқа ҳеч кимга эмас, фақат Сенинг Ўзингга ибодат қиламиз, деб илтижо қилаётган бўламиз. Демак, бу калимаи шаҳодат маъносининг аини ўзидир. Ғоя ва мақсуд Оллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг Ўзидир, маъбуд фақат Удир.

Бу ишда бизга ким мададкор бўлади?

«Ва Сендангина мадад сўраймиз». Ўзининг тавҳидини рўёбга чиқаришда яна Унинг Ўзидангина мадад сўраймиз. Ибодатимиз У учун, мадад ҳам Унинг ўзидан. Буюрсак, Оллоҳни рози қиладиган ишларгагина буюрамиз ва бунда Унинг ўзидан мадад сўраймиз. Чақирсак, Оллоҳ йўлига чақирамиз ва бунда ҳам Унинг ўзидан мадад сўраймиз. Жиход қилсак, Оллоҳнинг калимасини олий қилиш учунгина жиход қиламиз, бунда ҳам Унинг ўзидан мадад сўраймиз.

Демак, ҳар иккисидан ҳам асло беҳожат эмасмиз: **«Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина мадад сўраймиз».** Бу эса улуҳият тавҳидидир.

Сўнгра ҳар бир ракаатда Оллоҳ таборака ва таолога дуо қиламиз: **«Бизларни, ғазабга дучор бўлмаган ва ҳақ йўлдан тоймаган зотларга инъом қилган йўлинг бўлмиш — Тўғри йўлга йўллагайсан»**. Ушбу сўзлар билан дуо қилар эканмиз, тавҳиднинг яна бир турини – аслида у улухият тавҳидининг бир жузъи бўлса-да – рўёбга чиқарган бўламиз. Яъни, биз Парвардигоримиз субҳанаҳу ва таолонинг тавҳидини Унинг шариатига эргашиш, Унинг пайғамбарига ва у келтирган динга амал қилиш билан рўёбга чиқарган бўламиз, Унинг пайғамбари ибодат қилганидек ибодат қиламиз, Унинг пайғамбари дуо қилганидек дуо қиламиз.

Одамларнинг ибодатдаги тафовутлари

Бизнинг Ислом динимиз иккита буюк асл-асосга қурилган.

Биринчиси, фақат Оллоҳнинг Ўзига ибодат қилиш.

Иккинчиси, Оллоҳга Унинг шариатига биноан ибодат қилиш, хоҳиш-ҳаво асосида ё бидъатлар билан ибодат қилмаслик.

Бизнинг даъват ё ибодатдаги ҳолимиз ўз эгаларини Тўғри Йўлдан чиқариб юборган қуйидаги икки ҳолдан бири бўлиб қолмасин.

Биринчи ҳол, ҳақни билган ва таниган, бироқ, ундан юз ўгирган ва ундан четланган кишилар ҳоли. Улар Оллоҳнинг ғазабига дучор бўлган яҳудлар ҳамда уларнинг йўлини тутган ҳар бир кимсадир. Ибн Аббос ва Суфён ибн Уяйна розияллоҳу анҳумдан ривоят қилинганидек: «Уламоларимиздан ким йўлдан адашган бўлса, унда яҳудларнинг бир кўриниши бор». Уламо деганда албатта, Кибор Уламолар Ҳайъати аъзоси бўлиши шарт эмас. Илм ўқиган,

Оллоҳнинг динидан бирон нарсани ўрганган, бироқ унга амал қилмаган ҳар бир киши ушбу сўзлар ичига дохил бўлади, зинонинг ҳаромлигини билиб туриб зино қилган, ароқнинг ҳаромлигини билиб туриб ичган, номаҳрам аёлга қараш ҳаромлигини билиб туриб қарайдиган, рибо ҳаромлигини билиб туриб, рибо билан муомала қиладиган кимса Оллоҳнинг ғазабига дучор бўлишда яҳудлар билан бир қаторда бўлади. Бинобарин, амал қилинмаган илмнинг нима фойдаси бор?!

Иккинчи ҳол эса, «Фотиҳа» сураси охирида зикр қилинган, ҳақ йўлдан тойган кишилар ҳолидир. Улар Оллоҳга нотўғри йўлда ибодат қилган – бидъат амаллар билан, нафс ҳаволарига мувофиқ кўринишда, жаҳолат билан ибодат қилган, ўрганиб-билиб, саҳиҳ ва тўғри кўринишда ибодат қилмаган кишилардир. Суҳбатимиз аввалида келтирганимиз оятда айтилганидек: **«Айтинг: Менинг йўлим шудир. Мен Оллоҳга даъват қиламан. Мен ва менга эргашган кишилар аниқ ҳужжатга — ишончга эгамиз. (Ҳар қандай шерикдан) Оллоҳни поклайман. (Зеро) мен мушриклар- дан эмасман».** (Юсуф: 108).

Демак, энг биринчи иш Оллоҳга даъват қилишдир, Ундан ўзга ҳеч кимга – на нафси ҳавога,

на бир шайхга, на бирон имомга ва на ўзи муҳаббат қўйган бирон шахс ё нарсага эмас. Иккинчи иш, биз Оллоҳга бидъат, залолат устида ёки Оллоҳнинг шариатига зид бўлган фикрлар билан эмас, фақат ишончли ҳужжат ва Оллоҳ томонидан берилган илм билан, Китоб ва Суннат асосида даъват қиламиз: **«Мен ва менга эргашган кишилар аниқ ҳужжатга — ишончга эгамиз»**. Оятдан шу ҳам англашиладики, бу иш фақат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзларига хос эмас, балки, **«Мен ва менга эргашган кишилар»**гадир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашган ҳар бир кишининг ҳоли шудир, улар энг аввал Оллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг тавҳидига, шериксиз, ягона Оллоҳнинг ўзига ибодат қилишга даъват қиладилар.

Оллоҳга даъват қилишдан мақсад

Даъватдан мақсад ва мурод Оллоҳ субҳонаҳу ва таолони поклашдир. Қўпчилик одамлар Оллоҳга даъват остидаги мақсадни тушунмайди. Мушриклар ва ҳақ даъватдан бурилиб кетган кишиларнинг ҳоли ҳақида фикр юритсангиз, биласизки, улар Оллоҳни покламайдилар. Биз бу билан улар Оллоҳга тасбеҳ айтмайдилар, демоқчи эмасмиз (зеро, тасбеҳ айтиш ҳам поклаш маъносидадир), улар «Субҳаналлоҳ» деб

айтмайди демокчи эмасмиз. Йўқ, жуда кўп одамлар, аксарият намозхонлар, бидъат, залолат ва ширк аҳли хам Оллоҳга кўп тасбеҳ айтишига гувоҳ бўлинади. Биз бу сўзимиз билан улар Оллоҳни Унга нолойиқ бўлган сифатлардан покламаслигини айтмоқчимиз.

Насронийлар «Оллоҳнинг фарзанди бор» деб айтишлари билан Уни поклаган бўладиларми?! Йўқ, асло! **«Оллоҳ уларнинг («Оллоҳнинг боласи бор», деб) сифатлашларидан покдир. Магар Оллоҳнинг покиза бандаларигина (мудом Оллоҳни У зотга нолойиқ бўлган сифатлардан пок тутарлар)».** (Ас-софат: 159, 160).

Дин ёки шариат ҳозирги илм-маърифат, таракқиёт ва технологиялар асри бўлган йигирма биринчи асрда татбиқ қилинишга яроқли эмас, деб айтадиган кишилар Оллоҳ субҳонаҳу ва таолони Унга нолойиқ бўлган сифатлардан покламаётган, Оллоҳни йигирман- чи асрга келиб илм-фан ва маданият мислсиз даражада ривожланиб кетишини билмаган, ушбу асрга муносиб ва мувофиқ шариат тузиб беролмаган жоҳил деб айблаган бўлади.

Социализм, демократия, дунёвийлик ёки номи қандай бўлишидан қатъий назар, Оллоҳнинг йўлидан

бошқа йўлга чақираётганлар Оллоҳни покламаётган кишилардир. **«Улар Оллоҳни қўйиб, фақат (Лот, Уззо, Манот каби) санамларга сиғинадилар ва фақат итоатсиз шайтонга сиғинадилар. Оллоҳ уни лаънатлади».** (Нисо: 117). Оллоҳдан бошқага даъват қиладиган ҳар бир кишининг ниҳояси шайтонга боғланишдир.

Исломнинг ҳамма жиҳати мен учун маъқул, мен унга чақираман, даъватчилар мени унга чақиришларига ҳам розиман, фақат битта масалада – аёллар масаласида мен унга мувофиқ эмасман, аёл киши паранжига тикилмай, очик-сочик юриши, истаган жойига бориб, истаган ишини қилиши керак, деб айтадиган одам Оллоҳ субҳонаҳу ва таолони поклаган бўладими?! Йўқ, асло! Чунки, у Оллоҳнинг ҳукмларидан бир ҳукмга эътироз билдирди, ўзининг фикрини Оллоҳнинг ҳукмидан афзал кўрди.

Биз уни Оллоҳга иймон келтиришга, Уни поклашга, Унинг тавҳидини рўёбга чиқаришга даъват қиламиз.

Даъватдан мурод – Оллоҳни поклашдир. Оллоҳни поклаш Оллоҳ субҳонаҳу ва таолога бўлган даъватнинг асосий рукнидир.

Ширкдан огоҳлантириш

«Ва мен мушриклардан эмасман». (Юсуф: 108, Анъом: 79).

Иймон тарафини зикр қилганимиздан сўнг, энди сақланиш ва эҳтиёт бўлиш керак бўлган нарсанинг зикрига ўтамиз. Оллоҳга осий бўлинган гуноҳларнинг энг каттасидир у, қилувчиси агар тавба қилмай ўтиб кетса, ҳеч қачон уни Оллоҳ кечирмайдиган, уни қилган одамга – агар тавба қилмаса – жаннат абадий ҳаром қилинган, шу гуноҳи билан Оллоҳга йўлиққан кишининг жазоси абадий жаҳаннам бўладиган гуноҳдир у. Огоҳ бўлинг, у улкан гуноҳ – Оллоҳга ширк келтириш гуноҳидир: **«Ва мен мушриклардан эмасман».** (Юсуф: 108, Анъом: 79).

Пайғамбарлар ширкдан огоҳлантирганлар

Иброҳим алайҳиссаломнинг Оллоҳга дуо қилиб: **«Мени ва болаларимни бутларга сиғинишдан йироқ қилгин»**, (Иброҳим: 35), деб илтижо қилганларини айтиб, Ибн Таймия раҳимахуллоҳ шундай дейди: «Иброҳимки, Оллоҳга шундай деб илтижо қилса, ундан кейин ким ҳам балодан хотиржам бўлсин?!»

Оллоҳу акбар! Бутларни вайрон қилган зот, тавҳид аҳлининг имоми, Оллоҳдан ўзгага ибодат қилмасликка чақирган ва шу йўлда жиҳод қилган, Оллоҳнинг амрига бўйсуниб, Оллоҳнинг тавҳидини рўёбга чиқаришини ва ёлғиз Унинг буйруғига бўйсунини изҳор этиш мақсадида ўз ўғлини сўйишга азм этган улуғ Пайғамбар ширкдан паноҳ сўраб, дуо қилса!! Бир умр Оллоҳга даъват қилган, Оллоҳ йўлида, Унинг амрига итоат этиб ҳижрат қилган, Оллоҳ томонидан бутун инсониятга имом қилинган, тавҳидга чорловчиларнинг яна бир улкан намоёндаси бўлмиш улуғ пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳам у кишига эргашиш амр этилиб: **«Сўнгра (Биз, эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), сизга ҳақ йўлдан тойилмаган Иброҳимнинг динига эргашинг, у мушриклардан эмас эди, деб ваҳий юбордик»**, (Наҳл: 123) ояти нозил қилинган, ана шундай зот Оллоҳга илтижо қилиб: **«Мени ва болаларимни бутларга сиғинишдан йироқ қилгин»**, (Иброҳим: 35) деб дуо қилса!! Субҳоналлоҳ!! Ширк ана шундай хатарли гуноҳдир. Шунинг учун ҳам Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳ бежиз айтмаган, Иброҳимдан кейин, ким ҳам балодан хотиржам бўлсин, деб!!

Эхтимол, сиз, ширк ҳақида жуда кўп гапирилган, бугунги кунда алҳамду лиллаҳ, ҳамма муваҳҳид, ҳамма мўмин-мусулмон, мушриклар қолмаган, ширкдан у қадар кўрқмасак бўлаверади, деб айтмоқчидирсиз? Субҳоналлоҳ! Сиз Иброҳим Халилуллоҳдан кўра ҳам мўминроқ ва муваҳҳидроқмисиз?! Йўқ, асло! Оллоҳ таоло унга бутун дунё тавҳид аҳлининг қиёматгача қибласи бўлмиш ўша Улуғ Уйни бино қилишни амр этганида нима деганини биласизми? Оллоҳ таоло деди: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **эсланг, Биз Иброҳимга Байтуллоҳнинг ўрнини (ўша уйга қараб ибодат қилиши ва уни обод қилиши учун) белгилаб бериб, (унга шундай деган эдик): «Сен Менга бирон нарсани шерик қилмагин ва Менинг Байтим — Уйимни тавоф қилувчилар қиём, яъни намозда тик туриш, рукуъ, сажда қилувчилар (яъни ўша жойда намоз ўқувчилар) учун пок тутгин!».** (Ҳаж: 26). Яъни, эй Иброҳим, Уйни бино қил ва Менга бирон кимсани шерик қилма! Мана, муваҳҳидлар имомига қилинган илк амри илоҳий! Иброҳим алайҳиссалом ҳам: «Ё Раббим! Мен ўзим муваҳҳидлар имоми бўлсам, Сенинг тавҳидингга чорлаб турган бўлсам, яна мени ширкдан қайтарасанми?», деб айтмадилар.

Бировга ширк хакида гапирсангиз ё ширкдан кайтариб, панд-насихат қилсангиз, «Нима, бизнинг орамизда ширкдан бошқа нарса йўқми? Ширкдан бошқа гапингиз йўқми?!», дейишади. Субҳоналлоҳ! Оллоҳ субҳонаҳу ва таоло муваҳҳидлар пешвоси ва Оллоҳга даъват қилувчилар имоми бўлган улуғ пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга нима деб амр этганини эсга олинг: **«Дарҳақиқат сизга ҳам, сиздан аввалги (пайғамбарларга ҳам шундай) ваҳий қилингандир: «Қасамки: агар мушрик бўлсангиз, албатта қилган амалингиз беҳуда кетур ва албатта зиён кўрувчилардан бўлиб қолурсиз! Йўқ, сиз ёлғиз Оллоҳгагина ибодат қилинг ва шукр қилувчилардан бўлинг!».** (Зумар: 65, 66).

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни Раббилари огоҳлантирмоқдаки, эй Пайғамбар, сизга ва сиздан илгари юборган пайғамбарлари- мизга – шу жумладан, муваҳҳидлар имоми бўлган Иброҳим алайҳиссаломга ҳам – ваҳий қилиндики, агар сиздан ширк содир бўлса, барча амалингиз бекор бўлади.

Субҳоналлоҳ! Барча амаллари зое бўладими?! Ҳа, жиҳодлари ҳам, даъватлари ҳам, амримаъруф ва наҳиймункарлари ҳам, хижрат, намоз, закот ва бошқа

амаллари ҳам, барча-барчаси бекор бўлади: **«Қасамки: агар мушрик бўлсанг, албатта қилган амалинг беҳуда кетур ва албатта зиён кўрувчилардан бўлиб қолурсан!»**. (Зумар: 65).

Баъзилар – айрим насронийлар каби – турмуш курмай, таркидунё қилиб ўтади, кечаю кундуз Оллоҳни зикр қилиб, ибодат билан машғул бўлади. Бироқ, қиёмат куни: **«Биз улар қилган ҳар бир (яхши) амалга келиб, уни сочилган тўзон (каби) қилиб қўйгандирмиз»**. (Фурқон: 23).

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), айтинг: **«Сизларга қилган иш-амалларидан энг кўп зиён кўрувчи кимсаларнинг хабарини берайликми?! Улар (кофир бўлганлари сабабли) қилган саъй-ҳаракатлари ҳаёти дунёдаёқ йўқ бўлиб кетган-у, аммо (нодонликлари сабабли) ўзларини чиройли — яхши амал қилаётган кишилар, деб ҳисоблайдиган кимсалардир!»** (Каҳф: 103, 104).

Айтадики, ҳой биродар, мен доим тоат-ибодат-у, Оллоҳнинг зикри билан машғулман, Қуръон ўқийман, жиҳодда иштирок этаман, амримаъруф ва наҳиймункар қиламан, яна мендан нима истайсиз?

Биз айтамизки, шунча тоат-ибодат ва ҳасанотлар, агар Оллоҳнинг тавҳиди асосида бўлмаса, Унинг даргоҳида мақбул бўлмайди. Шунинг учун, сиз энг аввал ширкдан эҳтиёт бўлинг, сизга насиҳат қилиб: «Оллоҳга ширк келтирманг», деб айтадиган кишиларга ёмон назар билан қараманг. Зеро, Оллоҳ таоло: **«Қасамки: агар мушрик бўлсанг, албатта қилган амалинг беҳуда кетур ва албатта зиён кўрувчилардан бўлиб қолурсан!»** (Зумар: 65), демоқда, оят давомида **«Йўқ, сен ёлғиз Оллоҳгагина ибодат қилгин ва шукр қилувчилардан бўлгин!»** (Зумар: 66), деди, «Фотиҳа» сурасида эса **«Сенгагина ибодат қиламиз»** дейишни таълим берди. Парвардигоримиз субҳонаҳу ва таолонинг амри ана шундай. Демак, ишнинг аввали ҳам, охири ҳам Оллоҳнинг тавҳидидир.

Қалб амалларидаги ширк

Оллоҳнинг тавҳиди қалб амаллари Оллоҳ субҳонаҳу ва таолога холис бўлиши билан вужудга келади. Қуйида энг муҳим қалб амалларидан баъзиларини айтиб ўтамиз:

Ихлос. Шубҳасиз, қалб амаллари ичида энг муҳими ихлосдир. Оллоҳ таоло айтади: **«Ҳолбуки**

улар фақат ягона Оллоҳга, у зот учун динни холис қилган Тўғри йўлдан оғмаган ҳолларида ибодат қилишга ва намозни тўқис адо этишга ҳамда закотни (ҳақдорларга) ато этишга буюрилган эдилар. Мана шу тўғри йўлдаги (миллатнинг) динидир». (Баййина: 5). Эътибор беринг, оятда динни Оллоҳ учун холис қилиш, яъни динда ихлосли бўлишни намоз ўқиш ва закотни адо этишдан илгари зикр қилинди.

Оллоҳга нисбатан содиқлик. Оллоҳ таоло айтади: **«Эй мўминлар, Оллоҳдан қўрқингиз ва иймонларида ростгўй бўлган зотлар билан бирга бўлингиз!»**. (Тавба: 119).

Оллоҳ таоло бу оятдан олдин муҳожир ва ансорларнинг биринчи пешқадамлари ва уларга чиройли амаллар билан эргашган зотларни, кейин эса мунофиқларни, кейин эса айрим сабаблар билан жиҳодга чиқмай қолиб кетган уч кишини зикр қилди, сўнгра **«Эй мўминлар, Оллоҳдан қўрқингиз ва иймонларида ростгўй бўлган зотлар билан бирга бўлингиз!»** (Тавба: 119), деди. Яъни, ўша аввалги пешқадам бўлган чин мўминлар билан бирга бўлингиз, мунофиқлар билан эмас, деди. Шундай экан, ҳар бир инсон Оллоҳга бўлган иймонини фақат

тилда изҳор қилибгина эмас, балки бутун вужуди билан кўрсатиб, иймонида содиқ бўлган зотлар билан бирга бўлмоғи лозим бўлади.

Фақат Оллоҳдан кўрқиш

Тавҳидни рўёбга чиқарадиган қалб амалларидан яна бири ягона ва шериксиз Оллоҳнинг ўзидан кўрқишдир. Даъват эгалари шу нуктага эътибор қаратишса, Оллоҳга даъват қилишда ажойиб натижаларга эришилади. Чунки, ҳар бир мўмин фақат Оллоҳдангина кўркса, Оллоҳнинг ғазабини келтирадиган ҳар қандай ишда, ким бўлишидан қатъий назар, Оллоҳдан бошқа ҳеч кимдан кўрқмаса, иззат, нусрат ва муваффақиятнинг ажойиб самаралари кўринган бўларди.

Бирок, баъзи одамлар борки, агар Оллоҳдан тақво қилсам ва Оллоҳ буюрган ишни қилсам, фалончи раҳбарим мени ундай қилади, бундай қилади, деб чўчишади. Бу одам ўша фалончидан у ўзидан кучли бўлгани учун кўрқаяпти. Билингки, бундай ҳолларда шайтон сиз-у бизни кўрқувга солади: **«Албатта ўша (сизларни васвасага солмоқчи бўлган) шайтоннинг ўзидир. У сизларни ўзининг дўстларидан (кофирлардан) кўрқитмоқчи бўлади. Агар мўмин**

бўлсангизлар, улардан кўркмангиз, мендан кўркингиз!». (Оли Имрон: 175).

Оллоҳ субҳонаҳу ва таоло фақат Унинг ўзидан кўркишга буюрди. Агар биз Оллоҳнинг душманларидан кўркмасак-у, Оллоҳдан кўркмасак, Оллоҳ таборака ва таоло бизга ҳеч қачон нусрат бермайди. Аксинча, Оллоҳ таоло нусрат ва ғалаба йўлини қуйидагича баён қилди: **«Агар сабр-тоқат қилсангиз ва Оллоҳдан кўрксангиз, уларнинг найранглари сизларга ҳеч қандай зарар қила олмайди».** (Оли Имрон: 120).

Душманлар бизга фириб-найранглар қилишади, қўлларида бўлган ҳамма воситаларни бизга қарши курашга сарфлашади. Ҳар соат, ҳар дақиқа, ҳар лаҳза сиз билан биз уларнинг нишонидамиз, бир лаҳза бўлсин, улар бизга қарши урушдан тўхташмайди. Лекин, биз Оллоҳдан кўркиш ўрнига улардан кўркмасак, ширкка тушиб қоламиз. Унда ечим нимада? Мана сизга ечим: **«Агар сабр-тоқат қилсангиз ва Оллоҳдан кўрксангиз, уларнинг найранглари сизларга ҳеч қандай зарар қила олмайди».** (Оли Имрон: 120). Ҳа, агар биз сабр қилсак ва Оллоҳ субҳонаҳу ва таолодан тақво қилсак, уларнинг найранглари асло зарар етказолмайди.

Шу муносабат билан айтаманки, душманлар мусулмонларга қарши режалар тузишдан чарчамаяпти, аммо жуда кўп мусулмонлар бундан ғофил қолишган. Телевидениеда берилаётган сериаллар, видео ва кинофильмлар, ҳар турли шоулар, кўнгилочар кўрсатувлар, булар ҳаммаси душманларимизнинг мусулмон-лар ахлоқини бузиш режасига мувофиқ олиб борилади. Айрим биродарлар шу каби нарсаларни томоша қилишдан ўзларини тиёлмасликларидан шикоят қилишади, кейин яна: «Нима учун душманлар бизга ғолиб бўлаяпти? Нимага биз уларга бас келолмай- миз?», деб сўрашади. Ҳой биродар, ўзинг шу биргина кўрсатувни томоша қилишдан воз кечолмайсан-у, қандай қилиб, Оллоҳнинг ёрдамига кўз тикасан?! Тақво қилмасак, Оллоҳ таоло бизга қандай нусрат берсин?! Биз мусулмонлар ўз нафсимиз ва шаҳватларимизга эгалик қилолмаймиз-у, қандай қилиб кофирларга ғолиб бўлиш ҳақида тамаъ қиламиз?! Биз мусулмонларни Оллоҳнинг тақвоси бир-биримизга зулм ўтказиш ва зўрлик қилишдан тўсмаяпти ва тўхтатиб қолмаяпти! Шу ҳолда яна, нима учун Оллоҳ бизга золимларни ҳоким қилади, нима учун ер юзига золим кимсаларни ҳукмрон қилиб қўйди, деб нолиймиз! Нега Оллоҳ биз мусулмонларга

ғалаба ва нусрат бермаяпти, деб шикоят қиламиз! Ҳар Жума: «Эй Оллоҳ, Ўзинг Ислом ва мусулмонларни азиз қилгин, ширк ва мушрикларни хор қилгин, сафларимизни бирлаштиргин» деб дуолар қиламиз. Дуо қиламиз-у, амал қилмаймиз. Агар шу ҳолимизда, яъни тақвосиз ва сабрсиз ҳолимизда Оллоҳ сафларимизни бирлаштириб қўйса, унда – Оллоҳ сақласин – динни вайрон қилиб юборамиз-ку! Аксинча, бу ҳолимизда бирлашмай, тарқоқ бўлиб туришимиз яхшироқ. Бу ҳам Оллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг ҳикматидан!

Демак, фақат сабр қилиш ва тақво қилиш бизга фойда олиб келади.

Оллоҳ субҳонаҳу ва таолодан ҳақиқий суратда қўркиш, Оллоҳнинг тавҳидини рўёбга чиқарадиган қалб амалларидан саналади.

Сабр

Рўёбга чиқаришимиз зарур бўлган қалб амалларидан яна бири сабрдир. Сиз билан Оллоҳнинг тавҳидига ва соф ақидага даъват қиларканмиз, шу аснода сабрга ҳам даъват қиламиз, Оллоҳнинг тоати устида сабр қилишга, Оллоҳнинг маъсиятидан сабр

қилиб тийилишга, Оллоҳнинг шаръий ҳукмларига сабр қилишга, Оллоҳнинг қазо ва қадарга оид ҳукмларига сабр қилишга, даъват йўлида бошимизга келадиган мусибатларга сабр қилишга чорлаймиз, Оллоҳ таоло бу нарсаларни еру осмонларни яратишидан эллик минг йил олдин тақдир қилган ва битиб қўйган, деб эътиқод қиламиз.

Булардан бошқа яна, Оллоҳнинг тавҳидини рўёбга чиқаришимиз учун зарур бўлган, Оллоҳ таоло Қуръони Каримда зикр қилган рағбат, инобат каби бир қанча қалб амаллари мавжуд.

Тавҳид рўёбга чиқиши учун

Ҳар биримиз Оллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг Китобини ўқиймиз, Қуръон бизнинг ақийдамиз ва шариатимиз асоси ва биринчи манбасидир. Қуръон ўқиш ҳар биримизнинг вазифамиз бўлмоғи лозим. Қуръон ўқиркансиз, уни нозил қилган ва уни сўзлаётган Зот у билан биздан нима истаётган эканига эътибор қаратинг. Масалан, Раббимиз субҳонаҳу ва таоло бизга ўтмишдаги халқлар ҳаётидан ибратли ҳодисаларни зикр қилаётган бўлса, бу билан биздан нима истайди? Жаннатга ё дўзахга олиб борадиган йўллارни зикр қилса, бу билан биздан нимани

истайди? Мана шунга эътибор беришингиз ва ҳаётингизни Оллоҳ истагандек ўтказишга ҳаракат қилишингиз, бошқаларни ҳам шунга даъват қилишингиз лозим бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Оллоҳга даъват қилишдаги энг катта ва энг муҳим нарса – даъват Оллоҳнинг тавҳидини рўёбга чиқаришга бўлмоғидир.

Айтишингиз мумкинки, бу жуда оғир ва кўп меҳнат талаб қиладиган иш. Ҳа, тўғри, лекин, шундан бошқа йўл йўқ. Агар бундан бошқа йўл истасангиз, у ҳеч қачон сизни мақсадга олиб бормади. Осон ва енгил йўллар кўп, улардан хоҳлаганингизни танлаб олишингиз мумкин, лекин, уларнинг ҳеч қайсиси муродга етказмайди. Оллоҳга даъват Оллоҳнинг тавҳидини рўёбга чиқаришга даъватдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккада турганларида ўн йил одамларни фақат «Ла илаҳа иллаллоҳ» маъноси устида тарбия қилиб турдилар. Кейин намозга буюрувчи оят нозил бўлиб, «Ла илаҳа иллаллоҳ» маъносини яна-да мустаҳкамлади. Кейин у зот Мадинага ҳижрат қилдилар, у ерда «Ла илаҳа иллаллоҳ» учун жиҳодни машруъ қилдилар. Закот, рўза ва ҳаж оятлари кейин нозил бўлди.

Демак, рўёбга чиқаришимиз вожиб бўлган энг улуғ ва энг муҳим иш Оллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг тавҳиди экан, барча ибодатларимиз холис Оллоҳ учун бўлмоғи, Оллоҳнинг шариатига ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига мувофиқ бўлмоғи экан.

Ўқув юртларида аҳамият қаратилиши вожиб бўлган энг асосий модда (фан) тавҳид ва Қуръон моддаси бўлмоғи зарур. Чунки, Қуръон ақийданинг биринчи манбаи, ҳадис эса иккинчи манбаидир. Ушбу икки моддани талабаларга яхши тушунтириб, етказиб бера оладиган етук билим ва қобилият эгаси бўлган устозларга топшириш лозим. Биз ўқувчиларга ушбу динни яхши ўргатишимиз, табиатшунослик ва биология каби барча илмлар Оллоҳнинг тавҳидига хизмат қилишини таълим беришимиз даркор. Бу эса, Оллоҳнинг борликдаги оят-аломатларига боқиш ва улар ҳақида тафаккур қилиш билан вужудга келади: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **айтинг: «Ерда айланиб (Оллоҳ) даставвал қандай қилиб яратганини (ва сўнг Ўзи йўқдан бор қилган нарсаларни йўқ қилганини) кўринглар».** (Анкабут: 20).

Тарих илми ҳам, агар ўқув программаси ва устоз тўғри танланса, ақийдага хизмат қилади, уни

жилолаб, яна ҳам равшанлаштириб беради. Чунки, Оллоҳ таоло биз учун Қуръонда жуда кўп тарихий ибратларни ҳикоя қилади. Мисол учун, мана бу оятларни ўқиб кўринг: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **Парварди- горингиз** (бошқа) **юртларда ўхшаши яратилмаган, баланд устун**(ли қаср)**лар эгаси бўлган Ирам** (шаҳридаги) **Од** (қабиласи)**ни қандай (ҳалокатга дучор) қилганини кўрмадингизми?** (Қуро) **водийсида харсанг тошларни кес**(иб ўзларига уйлар солиб ол)**ган кимсалар бўлмиш Самуд** (қабиласини қандай ҳалокатга дучор қилганини-чи)? **Қозиқлар** (яъни Ерга қозиқдек қоқилган баланд эҳромлар ва қасрлар) **эгаси бўлган Фиръавнни** (қандай ҳалокатга дучор қилганини-чи)? Улар юртларида ҳадларидан ошиб, у жойларда бузғунчиликни кўпайтириб юборган эдилар. Бас, Парвардигорингиз уларнинг устига турли азоб-офатни ёғдирди! Шак-шубҳасиз **Парвардигорингиз** (барча нарсани) **кузатиб турувчидир»**. (Ал-фажр: 6-14). Қуръонда ушбу оятларни ўқиб туриб, яна қандай қилиб тарих дарсида ўқувчиларга, Фиръавнлар ундоқ шон-шавкат эгаси бўлишган, бундоқ биноларни қуришган, замонлар ўтиши билан уларнинг маданиятлари аста-секин

емирилган, деб ўргатамиз?! Бу гап ҳозиргина ўқиганимиз оятлар маъносига зид-ку!

Мурод шуки, мактаб-мадрасаларимизда ҳар бир фан соғлом ақийдага боғлаб ўқитилсин, саҳиҳ ақийдага хизмат қилсин. Инсон яхшилик учун ишлатадиган ҳар бир нарсани мана шу ақийдадан келиб чиқиб ишлатсин, Оллоҳнинг тавҳидига бўйсундирсин, ягона Оллоҳнинг ибодатига айлантирсин. Оллоҳ таоло барчамизни мўмин ва муваҳҳидлардан қилсин, зотан У эшитувчи ва дуоларни қабул қилувчи Зотдир.